

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

29 май, пайшанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда.

№ 115 (1632)

ХАВФСИЗЛИК, БАҲҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИ

«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баҳқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини ўзбек ва рус тилларида босмадан чикарди.

шакллантириш, бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши, юртимизда амалга оширилаётган кучли ижти-

Мазкур китоб давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари таҳлилига бағишланган.

Китобнинг «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи бобида минтакавий моjarолар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммолар ҳар томонлама изчил таҳлил қилинади.

«Баҳқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» деб номланган иккинчи бобда



эса истиқлол йилларида Ўзбекистонда рўй берган оламшумул ўзгаришлар хусусида фикр юритилади. Жумладан, миллий кадрятлар ва миллий эъликини англашнинг тикланиши, давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини

мой сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиси, мамлакатимизнинг жўрофий-стратегик имкониятлари ва табиий-хомашё ресурслари, инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси, жамиятимиздаги кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари, жаҳон ҳамжамияти

билан ҳамкорлик масалалари бугун оламда рўй бераётган мураккаб ва жўшқин жараёнлар билан бевосита узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади.

Бу китобда муҳокамага қўйилган мавзунинг ўзи -- яъни, хавфсизлик, баҳқарорлик, мамлакатнинг собиткадамлик билан ривожланишига эришиш масаласи моҳият эътибори билан давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришишнинг асосий мазмуни, айтиш мумкинки, пировард ва олий мақсадидир.

Китобда ана шу улуг мақсад йўлида турган муаммолар ва таҳдидлар чуқур илмий ёндашув ва холислик билан ёритилган.

Бу муаммо ва таҳдидларни аниқ тушуниш эса жамиятни бирлаштиради, жипслаштиради, ҳар бир кишига ўзининг масъулиятини, ўз ўлкаси, жонажон Ватанининг тарихи ва ҳаётидаги мураккаб воқеаларга дахлдорлигини пухта идрок этиш, янада теранроқ англаш имконини беради.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISIDA

28 май куни демократик ислохотларни чуқурлаштириш вазибаларини амалга ошириш юзасидан Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан тасдиқланган комиссия қошидаги фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлди. Уни ишчи гуруҳи раҳбари -- Конституциявий суд раиси Б. Эшонов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашуви гоят катта аҳамиятга эга эканига эътибор қаратилди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари фуқароларнинг ҳуқуқий тарбияси масалалари юзасидан ижтимоий фикрнинг ўрганиш бўйича ноҳукумат марказини, Алия вазириги хузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини, шунингдек, ҳуқуқшунос мутахассисларга таълим бериш марказини ташкил этиш юзасидан муҳим вазибаларни ўртага қўйганини таъкидлади. Уч субъект -- фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқиб, ишчи гуруҳи аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан давлат дастурини ишлаб чиқишнинг асосий қоидалари ва концепциясини муҳокама этди.

Йиғилишда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, алия вазири С. Мирсафоев, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, шунингдек, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар, бир қанча илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юрталарининг раҳбарлари қатнашди.

(ЎЗА).

МИЛЛИЙ МАРКАЗДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа ҳамжамияти вакили, Франциянинг интеллектуал мулк бўйича ТАСИС дастури раҳбари Э. Рокичиоли ва Бельгия аудиовизуал муаллифлар халқаро ассоциацияси раҳбари Ж. Корреа инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ташриф буюрдилар.

Сўхбат чоғида Миллий марказ директори А. Саидов меҳмонларга инсон ҳуқуқлари борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқий давлат мафқурасини ривожлантиришни илмий режалаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий концепциясини яратиш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Европа ҳамжамияти ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили хузуридаги ишчи гуруҳи ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш бўйича комиссияси аъзоларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда республика Президенти Ислам Каримовнинг ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида ўртага қўйилган вазибалар, «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида» ва «Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги ижросининг аҳоли ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Йиғилишни Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова бошқарди.

Мажлисида сўзга чиққанлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининггина эмас, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш бугунги кунда долзарб вазибалар эканигини таъкидлади.

«Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида» ва «Фуқаро-

лар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги ижросининг аҳоли ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Йиғилишни Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова бошқарди.

Мажлисида сўзга чиққанлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининггина эмас, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш бугунги кунда долзарб вазибалар эканигини таъкидлади.

«Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида» ва «Фуқаро-

лар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги ижросининг аҳоли ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Йиғилишни Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова бошқарди.

Мажлисида сўзга чиққанлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининггина эмас, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш бугунги кунда долзарб вазибалар эканигини таъкидлади.

САТРАЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

ФРАНЦУЗ КИНОСИ ҲАФТАЛИГИ

Самарқандда шаҳар ҳокимлиги, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Альянс Француз» халқаро уюшмаси томонидан ташкил этилган француз кинеси ҳафталиги бўлиб ўтди. У XII Тошкент халқаро кинофестивали доирасида ўтказилди.

Ҳафталик давомида Франция кино ижодкорларининг миллионлаб мухлислар олқишига сазовор бўлган энг сара фильмлари намойиш этилди. Шу муносабат билан ўтказилган анжуманда Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулода ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар сўзга чиқиб, бу тадбир икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонч билдирди.



СУРХОН ҒАЛЛАСИ



Сурхон воҳасининг ғаллакорлари бу йил 96 минг гектар суғориладиган, 23 минг гектар лалми майдонда дон етиштирмоқда. Айни кунларда вилоятда ғалла барвақт етилиб, ўрним-йиғим ишлари бошланиб кетди.

28 май куни Ангор туманида вилоятда биринчи ғалла карвони йўлга чиқди. Шу кун ангорликлар қабул пунктларига минг тонна дон топширди. Биринчи ўрнимдаёқ гектар бошига ўртача 38-40 центнердан ҳосил кўтарилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ж. Нораев қатнашди.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Гулистон тумани пиллакорлари қабул пунктларига 61 тонна қимматбаҳо хомашё топшириб, давлат буюртмасини бажардилар. Эришилган ютуққа «Боёвут», «Қизил тонг», Назар Бобомуродов номли жамоа ҳўжаликлари, шунингдек, ҳар қутти курт уруғидан 100-110 килограммдан ҳосил йиғиштириб олган С. Ашурова, Д. Усмонова, Х. Бадалова, Р. Худойкулова бошлиқ звеноларнинг улуши салмоқли бўлди.

Меҳнат аҳли давлатга яна тўрт тонна пилла топширмоқчи.



ЯНГИ ЁҒ ЗАВОДИ

Шахрисабзда «Шаҳри интернешнл» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг бир кунда 4 тонна ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга булган заводи ишга туширилди. Завод «Марказий Осиё -- Америка» тадбиркорлики қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.


Янги заводнинг очилиш маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулода ва Мухтор элчиси Стенли Т. Эскудеро, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулода ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар, «Марказий Осиё -- Америка» тадбиркорлики қўллаб-қувватлаш жамғармаси президенти Ричард Бернстем иштирок этди.

УШБУ СОҢЛА

2-бет

ФИРРОМЛИК КАЧОНГАЧА?

3-бет



ОБИДАЛАР ҚАЙТА ЖИЛО ТОПМОҚДА

4-бет

ҚУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАВЕРАДИ...



УЧ ОЙДА БУНЁД ЭТИЛДИ

ни ўз ичига олган кичик шаҳарча бунёд этилди. Шунингдек, заводнинг биринчи санаят базаси ҳам фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, соатига юз кубометр темир-бетон ишлаб чиқарадиган завод ўзининг дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарди.

-- Маълумки, катта иншоотни ишга туширишдан аввал унинг асосий базасини яратиш лозим бўлади. Қурилиш лойиҳасига кўра, заводда бунинг учун иккита санаят базаси ажратилган. Бу завод ДС-50 «Б» маркали юқори сифатли маҳсулот ишлаб

чиқариши билан жаҳон андозаларига жавоб бера олади, -- дейди А. Пулатов. -- Биринчи завод ўзининг ёрдамчи иншоотларидан иборат бўлиб, унда асосан 60 кишига мўлжалланган ошхона, 360 тонналик цемент омбори, 30 тонналик автотарози, 250 куб сизимдаги ёниги-мойлаш материаллари омбори, 700 кубметрлик сув сақлаш идишлари ва ишчиларнинг дам олиш ҳамда ювинишга мўлжалланган биноларини ўз ичига олади. Муҳими, бу ишлар қисқа фурсат -- уч ой ичида бажарилди.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УСТЮРТ БАҒРИДАГИ ЗАҲИРАЛАР

Қарийб 200 минг квадрат километр майдонга эга булган улкан Устюрт пасттектонининг каттагина қисми Қорақалпоғистон худудида жойлашган.

Тошлоқ, қир ва сойликлардан, саёз қумлик ҳамда ботиқлардан ташкил топган бу улкан худуд илгарилари халқ ҳўжалигида асосан яйловлар сифатидагина фойдаланиб келинарди. Лекин кейинги пайтларда бу бепоён дашт йўлларида турли геологик экспедиция аъзолари серкаторн бўлиб қо-

лишти. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, олимлар Устюрт худудларида ва Орол денгизининг бўшаган тубида каттагина оҳақ, туз, гипс, нефть ва газ захираларини топдилар. Фақат сўнгги йилларнинг ўзида Устюртнинг Урга, Бердах, Шибинли, Қизилқайир, Оқшулоқ, Қорашулоқ каби жойларидаги нефть ва газ қонлари

ўрганилиб, истиқболга эга, деб белгиланди. Бу ишларнинг самараси ўлароқ, ўтган йили Урга газ қони тўлиқ қуватда ишлаб бошлади.

«Урганчгазтранс» давлат корхонасига қарашли Урга газ ишлаб чиқариш мажмуида айни кунларда газни қайта ишлаш ва халқ ҳўжалиги тармоқларига етказиб бериш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу ерда мураккаб юмушларни бажарадиган замонавий ускуналар ўрнатилди. Жами узунлиги 28

чақиримлик газ қувурлари ётқизилиб, Урга қони Бухоро -- Урал катта газ йўлига туташтирилди. Қонни ўзлаштириш мажмуига электр тармоқлари тортилиб, бир қанча маданий-маиший иморатлар ҳам қурилди.

Ҳозирги кунда Урга газ қонидан кунига 1,2 миллион кубометр газ олинмоқда. Бундан ташқари ҳар кун 25 тонна газ конденсати Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида жўнатишмоқда. Натияжада Урга газ қони жамоаси сўнгги икки йилда ўзининг ишлаб чиқариш ҳажмининг олти баробар кўпайтиришига эришди.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОФРИКЛИ НУҚТАЛАР

Жума кўрғонидagi нефть омборида текширув ўтказатган мутахассислар қизиқ ҳолатга дуч келдилар...

ри Ўзбекистон ҳукуматининг, вилоят ҳокимининг қарор ва кўрсатмаларини бажаришга ҳамоно совуққонлик билан ёндашяптилар...

катига салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, машиналарнинг ҳаммаси ҳам бензин сотишга тула мослаштирилмаган...

бўлмаётимикан? 1992 йилда вилоят ҳокимлигининг «Самарқанд вилояти атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг 1992-1995 йилларга ҳамда 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастури ҳақидаги» қарори қабул қилинган эди...

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ КЕЧАГИ ШОГИРДЛАР БУГУН ФАХРИМИЗ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги «Келажак» халқаро бизнес мактаби директори М. Эшонова билан мулоқот

Мила Ҳамроевна, руҳсат этсангиз, суҳбатимизни ушбу мактабнинг ташкил этилиши воқеасидан бошлашасиз...

Ўзингизда бўлса, 1991 йилда, яъни мамлакатимиз эндигина ўз мустақиллигини эълон қилган кезларда Президентимиз Исмоил Каримов ўзбекистонлик 20 нафар ўсмирни Америка Қўшма Штатларига ўқишга юбордилар...

Аслида воқеа бундай бўлган: ўша йилнинг ёзида университетимизга Америка университетлари консорциумининг вакиллари ташриф буюришди...

Тажриба алмашиш мақсадида ўзингиз ҳам АҚШда бўлган экансиз. Таассуротларингиз ҳақида гапириб берсангиз...

Мен бу мамлакатда 6 ой бўлиб, бизнес таълими қандай олиб борилаётгани билан танишдим. Улардаги тартиб биздагидан тубдан фарқ қилади...

Мамлакатимизда нисбатан кичка кўшма мақсадда минглаб корхоналар давлат тасаруфидан чиқарилиб, юзлаб кўшма корхоналар ташкил этилди...

Ҳақиқатан ҳозирги шароитда бундай кадрларга эҳтиёж жуда катта. Шунинг учун ҳақиқатан ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор бераётиш керак...

Ҳақиқатан ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор бераётиш керак. Шунинг учун ҳақиқатан ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор бераётиш керак...

«Халқ сўзи» мухбири Темур АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

ФИРРОМЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Ёки Самарқанд вилоятида нефть маҳсулотлари таъминотидаги қонунбузарликлар хусусида

Йўқлигидан энсангиз қотаяди. Бензинни олиб келишга «харажат» қилинган пулни бермасангиз, унинг литридан уриб қолиш одат тусига айланган...

корхонаси, шаҳар мейморчилик-режалаштириш бошқармаси ва банкларнинг ҳам айби катта. Чунки улар фирма ва корхоналарнинг асосис равишида руҳсат этилмайдиган жойларда бензин сотишлари ҳайрихоҳлик қилмоқдалар...

Кейинги пайтда шаҳар кўчаларида, серкатор жойларда бензин сотадиган автомашиналар ёмғирдан кейинги кўзичоринда кўйиб бораётгани ҳам ажабланарлиқдир...

Ҳамза ШУКУРОВ, журналист. Музаффар МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЧИҚИТ ҲАМ ҚИММАТЛИ ХОМАШЕ

Тошкентда сановат ва рўзгор чiqитларини қайта ишлаш, зарарсизлантириш ва ундан фойдаланиш муаммоларига бағишланган митинглар ортидан илмий-техник конференция иш бошлади...



Шаҳрихон тумани савдо ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамияти асосан қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатади. Жамиятга қарашли 41 та дўконнинг барчаси қишлоқларда жойлашган.



Қоғалаша хизмат қилади. Чеварлар тикаттеган 20 хилга яқин маҳсулотлар дўконларда харидорлар.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ИНШООТЛАРДА ҚУВУРЛАРНИ ЁТҚИЗИШ ҚОЛДИ

Янги Қизилдровот сув тозалаш иншооти қурилишида ишлар яқунловчи босқичга кирди. Бу иншоот ишга туширилган, Наманган шаҳри ва вилоят туманлари аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси ҳал бўлади.

Вилоят марказидан деярли 40 километр олинсадаги бу иншоот ҳозирнинг ўзидаёқ қувурларга тоза сувни жўнатишга тайёр. Қувурчилар истеъмолчиларга сув етказиб бериладиган қувурларни ётқизишга киришдилар...

САМАРАСИ ЗҮР

«Бухоротекс» ҳиссасдорлик жамиятининг пардозлаш фабрикасида янги ўрнатилган Германиянинг «Ромиш Клейнефер» фирмаси оқартув линияси самарали ишламоқда. Ушбу дастоҳ билан жорий йилнинг дастлабки чорагида 1 миллион 406 минг 300 погон метр газламага ишлов берилди...

КОРАДОРИ -- 97

ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШ КЕСКИН БЎЛАДИ Республикамаизда бошланган «Коралори-97» операцияси дастурида кўзла тутилган тadbирларни амалга ошириш чоғида Андижон вилоятида коралори олинмадан кўкнорни ўнлаб гайриқонуний экин ҳоллари аниқланди...

ЕШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Гулистонда «Давлат, оила, жамият ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат, ижтимоий таъминот бўлимлари, ўқув юрталари, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари раҳбарлари, «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари фаоллари иштирок этиди...

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Мутахассислар фикрича, пойтахт вилояти галлазорларида ҳар қанчогилан мўл ҳосил пилиб етилмоқда. Бу барча агропешка талабалари ўз вақтида ўтказилганлиги самарасидир. Бу йил уруғ навига алоҳида эътибор берилди. Сувли май-донларга экилган галла уч-беш марта суғорилди, ҳар гектар ерга 250-300 килограммдан минерал ўғит солинди...

ҚОҒАЛЛА -- 97

ҚОҒАЛЛА -- 97

Мутахассислар фикрича, пойтахт вилояти галлазорларида ҳар қанчогилан мўл ҳосил пилиб етилмоқда. Бу барча агропешка талабалари ўз вақтида ўтказилганлиги самарасидир. Бу йил уруғ навига алоҳида эътибор берилди. Сувли май-донларга экилган галла уч-беш марта суғорилди, ҳар гектар ерга 250-300 килограммдан минерал ўғит солинди...

ҚОРАҚОҢИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЗИРАЛР КЕНАШИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚОШИДАГИ НАРКОТИК МОДАЛЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ КОМИССИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ҲАҚИДА

Қорақоғонистон Республикаси Вазирилари Кенашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қошидаги наркотик модалларни назорат қилиш комиссияларининг мажлислари ўтказилиб, уларда биринчи навбатда бажарилгани ҳақидаги ҳисоботларини тасдиқлаш ва тadbирларни тасдиқлаш. Маҳаллий комиссиялар ҳуқуқда ҳокимликнинг, ички ишлар органлари, бошқома хизмати, бошқа мақдамалар, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари -- маҳалла кўмиталари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини ташкил этишчи доимий штаблар тузилган...

ХАБАРЛАР ОКИМИ

БИРНИКИ -- МИНИТА

Ёрдамчи хўжалик билан боғлиқ қизиқ парадокс бор. Бой ташкилотларга у кўпинча зарар келтирса, камтаргина корхоналарга қони фойда.

Натижа чакки эмас. Ёрдамчи хўжалик мактабга 1996 йил сентябрдан шу йилнинг апрелига қадар 93 минг сўмдан зиёд даромад берди.

Мактаб директори Салима Аликулованинг таъкидлашича, айни кунларда мактаб жамғармасида 46 минг сўм нақд пул бор.

Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чўлқуварлар учун имтиёзлар

Тўртқул - Қорақалпоғистонда аҳоли зич ва нотекис жойлашган туманлардан биридир. Бу ҳол шахар ва унинг атрофларида аҳолининг утилизлиги ва ақсинча, тумандаги Қумбосгон, Енбошқалъа, Қўча мазеарида утилизлигида яққол кўринади.

Яқиндан буюн Тўртқул туман кенгаши депутатлари ушбу номуносивликни ушбу баҳам беришга бел боғлашди. Булиб ўтган туман кенгаши сессиясида қабул қилинган қарорда улар ҳонадорлар зич жойлашган жойлардаги кўнглиларни аҳоли сийрак ашайдиган туманларга кўчиб боришга чакирдилар.

Шу мақсадда янги чўлқуварлар учун бир қатор имтиёзлар белгиланди. Тумандаги Қосим Нуримовов, Йўлдош Қурбанов номларидаги ва «Пахтаобод» деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаларида доимий яшашни ихтиёр қилганларнинг ҳар бирига шахсий уй-жой учун 24 сотих, шунингдек, ҳар қил экинлар экиш, боғ қилиш учун 3 гектардан 10 гектаргача ер майдони ажратилади.

Кўчиб борувчиларга узоқ муддатли имтиёзли қарзлар расмийлаштирилиб, олинанидан қарз миқдорининг ярми нақд пул билан берилади. Ер майдони посёлкаларнинг ўзидан ёки коммуналция тармоқларига яқин жойлардан фуқароларнинг танлови ёхуд келишуви асосида ажратилади.

Айтиш жоизки, Тўртқул шаҳридан 50-70 чақирим масофадаги бу ерларга аллақачон асфальт йўллар, электр, ичимлик суви, табиий газ ва телефон тармоқлари олиб берилган.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲРАТ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Олмалиқда ўтган санъат байрамида куй ва нурлар жилоси, қўшиқ ва рақс уйғунлиги намойён бўлди. Кон-металлургия санъат корхоналари бадий ҳаваскорлик жамоаларининг IV аънаввий халқ оғзаки ижоди фестивалида турли шаҳарлардан келган ўнлаб жамоалар иштирок этди.

Унда Бекобод металлургия комбинати ҳаваскорлари биринчи, олмалиқликлар иккинчи, чирчиқликлар учинчи ўринларни эгаллашди. Ўзбекистон кон-металлургия санъати ходимлари касаб-ба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Мафруза Зинодхўжаева ғолибларга дипломлар, қимматбаҳо буюмлар ва пул мукофотлари топширди.

Ж. САДУЛЛАЕВ.

Мен Истиқлолдан чин маънода хурсанд бўлганман ва бу нарса мутлақо алҳади... салоҳиятларим билан изоҳланмайди. Гап шундаки, таржимаи ҳолим, гарчи узун ва мураккаб бўлмаса-да, лекин ҳаётнинг барча аччиқ-чучигини тотганман десам, ишонаверинг.

Москвада ички ишлар мактабини битирдим. Бошлиқ ўринбосари даражасигага кўтарилдим. Лекин замоннинг нағмалари менга тўғри келмади шекилли, ана-мана дегунча катталарга ёқмайдиган бўлиб қолдим.

Мен ўша 80-йиллари ҳам: «Мана, бошлиқ ўринбосариман, қўлимда ваколат бор, шундай пайтда адолат ўрнатмасам, қачон улгурам», деб ўйлаганман-да.

Жуда қисқа пайт ичида бўхтонга йўлқидим -- Москвада ўқиб келган олий маълумотли дунёнинг бўлганим учун бутун кучимни ўзимнинг ҳимоямга сарфлар қилдим.

Чунки ўзимнинг айбисизлигимни ўзим исботлай олмасам, бошқаларга қандай нафим тегиши мумкин?

Қизиги шундаки, оқ нарсанинг оқ эканлигини исботлашим учун кўп куч сарфладим. Узини дунёдаги энг инсонларвар жамият деб эълон қилган Шүрролар иттифоқига мустақил фикри мутахассис раҳбарлар керак эмас эди.

Тухматга гирифторм бўлганимга ҳам ўн етти йил бўлди. Бу даврда мен «Харакатида жиноят аломатлари йўқлиги учун» тамғасини ҳужжатлар туғул... пешонамга бостириб олдим десам, лоф ураппти, деманг.

Аммо, ҳозир ҳечам ҳасрат қилмоқчи эмасман. Дунё адолатсизлик асосига қурилган экан, деб қараб ўтирмаслик керак -- ҳақиқатнинг барқарорлиги учун курашмоқ лозим.

Ҳақиқат учун кураш ўз йўлига, лекин ҳозир мутлақо бошқа мавзуда гапирмоқчиман. Адолатсизликни бировлардан эшитиб, китоблардан ўқиб билиш бошқа, ўз бошиндан кечириб бошқа. Масалан, мен ҳуқуқшунос бўлганим учун ҳам бошимга тушган маламатнинг тухмат, бўхтон эканлигини исботладим.

Чунки мен амалдаги қонунлар билан танишман. Аммо, мен халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги лозим бўлган даражада эмаслигини тажрибамдан яхши биламан. Шунинг учун кўплаб биродарларимиз арзиманган ҳаракатга жафо чекадилар.

Уларни муҳофаза қилиш йўл-йўриқларини билмайдилар. Ана шундай одамларга дармон бўлиш мақсадида Тўқсончи йиллари «Инсон ва қону» деган жамоатчилик ширкати тўздим. Мақсад: ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож фуқароларга текинга маслаҳат бериш эди. Бу ширкат бир қанча вақт фаолият кўрсатди. Маслаҳат текин бўлганлиги учун ҳамма бизнинг олдимизга келишар эди. Кўп фуқароларга нафимиз тегди. Натижада халқ ўртасида тилга тушиб қолдик. Шундан сўнг «сизлар текинга

маслаҳат бермаётган бўлсаларинг керак», деган шубҳа билан бизнинг жамоатчилик ширкатимизни ёпиб ташлашди.

Гап шундаки, текин маслаҳат берадиган ширкатимиз ўз фаолиятини тўхтатгани билан биз қисқа пайт ичида халқ ўртасида танилишга улгурган эдик. Шунинг учун улар ҳалиям маслаҳат сўраб менинг олдимга келаверишади.

... Бурноғи йили Шүрчининг чорраҳасидан ўтаётган эдим, бир аёл тўхтатиб: «Сиз Файзуллабоймисиз?» деди. Мен, «Ҳа» деганимдан сўнг «Менга маслаҳат беринг, яхши яшаш йўлларини ўргатинг. Ўйлаб-ўйлаб, одамлардан суриштириб сизнинг олдингизга келдим. Мен айтдим: «Меҳнатнинг яхши-ёмони бўлмайди. Қўлингиздан нима келса, шунга иштиёқингиз бўлса, тортинмасдан қилаверинг, барибир хизматингиз тақдирланади», дедим.

У аёл: «Қандай бўлар экан», деб ўйлаиб қолди. Ҳаётнинг кундалик ташвишлари билан бўлиб, бу гапларни мутлақо унутиб юборган эканман.

Гап шундаки, яқинда ўша аёл билан яна учрашдик, тўғрироғи, у менга ўзини танитди. Чунки уни мутлақо таниб бўлмас, рафторидидаги илгариги энг номдор олий ўқув юрти ҳисобланган Қўқалдош мадрасасида Залилий, Шукрий, Абдулқодир Саъдо, Маҳтумқули, Садриддин Айний, Эргаш Жуманбулбул, Берди Кербобоев, Жалол Икромийлар тахсил қўришган.

Кейинчалик улар адабиётнинг забардаст вақиллари сифатида доврқ таратишди. Ҳозир мадраса биносиде «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими, С. Айний ва Ж. Икромий музей-ҳужралари жойлашган. Бошқа ҳужралар эса бўш-бўш турибди. Шу ўринда бир тақлиф туғилди. Агар «Олтин мерос» жамғармаси ҳамда зиёлилар ва музей ходимлари ҳамкорлик қилиб, ҳар бир ҳужрада шу ерда сабоқ олган ҳар қайси адибга бағишланган экспозиция тайёрласалар, қадимий Бухоро адабий муҳити музейи ташкил топган бўларди.

Бу эса Бухорои шарифнинг 2500 йиллигига ажойиб тўёна саналарди.

Файзулла БОЙДУЛЛАЕВ, Шүрчи тумани.

ҲУҚУҚИЙ САБОҚ

ДУНЁНИНГ ҲИҚМАТИ



ҳорғинликдан асар ҳам йўқ, бунинг устига ўзинга жуда назокат билан оро берган, уст-боши эса сипо ва чиройли эди. Биз яна кўчада учрашдик. У аёл: «Сиз -- Файзуллабоймисиз?» деди. Мен яна «Ҳа!» дедим.

«Мени танидингизми?» деди. Мен: «Йўқ», дедим. Сўнг у ўзини танитди -- Шүрчининг чорраҳасида учрашганимизни, ўзининг маслаҳат сўраганини ва ундан кейин нималар бўлганлигини айтиб берди. Қисқаси, у ўшандан кейин тижорат билан шуғуллана бошлабди. Иши ўнгидан келиб, тезда рўзгорини тиклаб олибди.

Агар сиз ўшанда менга шу йўлни кўрсатмаганингизда мен хароб бўлар эдим, -- деди у менга.

Табиийки, у менга қайта-қайта ташаккур айтди.

Сўнг биз хайрлашдик.

Бизнинг суғзимиз тижоратчилар камситилган замонда қотган. Аммо Амир Те Мур бобомиз фаранг қиролига ёзган номасида: «Дунё тижорат ила ободдур» деган эдилар.

Энди ўйланг. Ҳозир эркимиз ўзимизда бўлмаганида у шундай тижорат ишлари билан шуғуллана олармиди? Йўқ.

Мустақиллик учи фалакка қадалган улкан дарахт сингари устимизга соя солиб турибди: бу ҳаловатдан ҳамма ёппасига баҳраманд. Лекин негадир бу азим дарахтнинг парваришига муҳтожлиги ҳақида ўйлашга доим ҳам фурсатимиз бўлмайди. Воҳаланки, мудоом ўтин ташлаб турмасангиз, азамат тулханлар ҳам ўчиб қолади. Шунинг учун ҳам бу кунларнинг қанлига етмоқ керак. Зеро, бу дунёнинг ҳиқмати.

Файзулла БОЙДУЛЛАЕВ, Шүрчи тумани.

ЮБИЛЕЙГА ТУҲФА

Июнь ойда ЮНЕСКОнинг Франция пойтахти Париж шаҳридаги қароргоҳида қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хеванин 2500 йиллиги кенг нишонланади. Мамлакатимиз вазирликлари, корхоналари, уюшмалари, ижодий ташкилотлар жаҳон миқёсида ўтадиган маъмур анжуманга қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Зеро, бу тантаналар муборак заманимиз саҳовати.

Ватанимиз салохияти, бетакорр санъатимиз ва ноб ёсори атиқаларимизнинг ёркин намойишига айланади.

Ана шу мақсадда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида тайёрланаётган махсус юбилей альбомларини шажарларимиз тўйига муносиб тўёна дейиш мумкин.

«Бухоро -- Шарқ дурдонаси», «Хева -- минг гумбаз шаҳри» деб атаган рангли китобларда кўзна

этувчи фотосуратлар жамланган. Китобларнинг илмий матлаурини тайёрлаш, фотосуратларни саралашда таниқли олимлар -- А. Муҳаммаджонов, А. Ҳакимов, А. Аҳмедов, Э. Рўвладзе муваффиқлик қилмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек, инглиз, француз ва рус тилларида чоп этиладиган бу альбомларнинг француз тилидаги бир минг нусхаси Парижда ўтадиган тантаналар арасида қисқа муддатда босмадан чиқди. Қолганларини эса Париждаги тантаналар ҳақидаги лавҳаларни ҳам қўшиб чоп этиш режалаштирилмоқда.

Бехўд УСМОН, ЎЗА мухбири.

БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИЛАН

ОБИДАЛАР ҚАЙТА ЖИЛО ТОПМОҚДА


Эски шаҳарнинг асосий кўчалари туташадиган Лаби ҳовузни кўхна Бухоронинг қалқиб турган юрагига қиёс этишса...

Бу ердаги чойхона кишини эшин одамлар билан гавжум. Бир пиёла кўк чой дўстлар дийдори, бугунги кун қувонч ва ташвишлари гурунги учун баҳона...

Бухоро меъморий жамолига гўзал холдек ярашган Лаби ҳовуз мажмуининг биринчи иншооти -- Қўқалдош мадрасаси 1568-1569 йилларда қурилган.

1622 йилда қурилган Нодир девонбеги хонақоси пештоқига мовий кошнлардан мураккаб нақшлар жойлаштирилган бўлса-да, бино гоят оддий тузилган.

1622 йилда қурилган Нодир девонбеги хонақоси пештоқига мовий кошнлардан мураккаб нақшлар жойлаштирилган бўлса-да, бино гоят оддий тузилган.



Лаби ҳовуз

У аънаввий кушнинг тасвири намоеён бўлди. Бу Бухоро меъморий бебез санъатида ўзига хос кашфиёт эди...

Лаби ҳовуз XX аср бошида жадидчилик ҳаракатининг марказларидан бирига айланди. Жадидлар ҳовузнинг ўнг соҳилидаги бинодо тўпланиб мунозаралар ўтказишарди.

1917 йил баҳорда улар шу ерда тўпланиб, амир Олимхондан эркинликнинг ёлида қилиб, сиёсий намойишга

чиқдилар. Амир ҳаракат намоендларини қаттиқ жазолади. Жумладан, Мирзо Насрулло, Садриддин Айний ва бошқалар Арк майдонида ваҳшийларча қалтакландилар.

Ҳаммадан кўп қалтак зарбига дучор бўлган Мирзо Насрулло ҳалок бўлди.

1920 йил сентябрда халқ ҳокимияти қарори билан Лаби ҳовуз бўйидаги бу биного Мирзо Насрулло қлуби номи берилди.

Кейинчалик бино ёш томошабинлар театрига, кашшофлар уйига, тикувчилик устонасига айлантирилди.

Абдуҷалил ХАЛИЛОВ.

ВРАЧЛАР УЧУН АҲБОРОТ

ТИФЛОКС

Бактерияга қарши восита қўйилмаги вазиятларда қўлланилади:

- ич терлеми; септицемия; инфекция; сийдик-жинсий; сўяқлар, бўғинлар; қўйи нафос йўллари; тери, ўшшоқ сирт; иммунитетни сусайган беморни профилактика қилиш.

5-7 кун давомиде кунга 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка

«Тифлокс»

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси

"Инфо-Фан" информацииалар технологиялар маркази

"Йилнинг энг яхши программа маҳсулотли" танловини эълон қилади

Танловнинг мақсади: Ўзбекистонда янги информацииалар технологиялар ривожланишини рағбатлантириш ҳамда юкори салоҳиятли программистлар фаолиятини янада жалалаштириш ва қўллаб-қувватлашдир.

Танлов соат 14.00 дан 17.30 гача танишиш мумкин. Бизнинг манзил: 700017, Тошкент ш., Сулаймонов кўчаси, 29. Тел.: 39-17-05 (ички тел. 1705).

Программа маҳсулотларини (қўйилган талабларга мувофиқ тайёрланган) тақдим этиш муддати - 1997 йил 30 сентябргача.

Танловнинг натижаларини аниқлаш ва ғолибларни мукофотлаш муддати - 1997 йил декабрь ойи.

МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНАЁТГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Манзил: Тошкент ш., Х. Самадова кўчаси, 27. Тел.: 33-77-49, 33-07-45, 33-90-29, 31-51-30.

Агар сиз ҳашаматли бино, гўзал офис ва энг муҳими, экологик жиҳатдан мусаллаб хона қураётган бўлсангиз,

ФОВАК ОҲАҚТОШ (ТРАВЕРТИН)НИ

танлашингиз лозим. У худди мармар каби чиройли ва салобатли, аммо анча арзон, ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан гўзал қуринадиган қоплама ашёдир.

Шошилинг, фовак оҳақтош миқдори жуда чекланган. Агар зарурат туғилса, бизнинг қурувчиларимиз биноини сифатли қилиб пардозлаб беришади.

Ўзбекистон вилоятларида дилерлик тармоғини вужудга келтирмасан.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фан ва техника давлат қўмитаси Фан ва техника давлат қўмитаси Фан ва техника давлат қўмитаси...

ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР ОЛАМИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Ўзбекистон Миллий банкнинг сўмдаги пластик карточкалари - сизнинг маблағларингизни сақлашнинг ва қўлайлигининг нафасидир. Карточка ағалари учун "йўқноб олинадиган" жамғармалар очилади ва йиллик фойдани 50 фоизи қўланади.

Маълумот олиш учун телефонлар: Тошкентда: 44-82-20, 44-82-14, 54-59-01, 54-38-18, 62-37-75, 62-01-92, 33-68-07, 32-03-88. Навоийда: 43-622, 34-965. Нукусда: 36-122, 74-882, 79-591. Бухорода: 36-522, 37-098, 37-108.

КУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАВЕРАДИ...



Бу Яратганнинг биз шарқликларга инъоми бўлса не ажаб. Қизик, ўзимиз доим куёшли юрдада яшай, унинг тенгсиз нурларида яширинган тилсимотларни англаб етмаймиз. Гоҳо эса нолиб ҳам кўямиз. Бошқалар бўлса...

Очиғи, белорус киночиларидан бири ўзини хайратга солган фаройиб воқеани айтиб бермаганда балки биз ҳам Куёш ҳақида бунчалар тўлиқиб ёзмаган бўлардик. Унинг Тошкентга биринчи келиши экан. Айтишча, 1966 йили Тошкент элчиласи пайтида қариндошларидан бири бу ёққа ёрдам бериш учун юборилган экан. Қурилишда ишлаб юриб, кунлардан бирида бедаво деб юрган касали кўзиб қолди. Дўхтирларга муурожаат қилса, юртингизга қайтиб кетасиз, дейишди. Шунда ўзбек маҳалларида яшайдиган оқсоқол унинг дарди ҳақида эшитиб қолиб, «Уғлим, сенга маслаҳатим-- Термизга борасан, ҳозир айна саратон маҳали куёшда қуясан. Насиб этса шифо топиб кетасан» дебди. Бу ҳақда эшитганлар хайрон. Тавақал дебти-ю, тўғри Сурхондарёга жунаб кетибди...

Бир ой ўтиб қайтиб келиб, аввал ҳалиги чолга учрабди. Отаҳон уни кучоқлаб олиб «айтмоқдимми, қара рангинга қон югурибди, кўзларингда нур ҳам бор, отдай бўлиб кетибсан» деб елкасига урибди. Теъдда дўхтирларга учрашишни тайинлабди. Шифокорлар уни обдон текшириб қўриб, хайратдан қотиб қолишди. Айтилган ва кўрkinчи деб ҳисобланган хасталиқдан асар ҳам қолмаган

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Алоқалар вазирлиги томонидан 1996 йил 30 январда Хоразм вилояти ҳудудий коммунал фондидан бирлашмасига берилган, Ўзбекистон Давлат Реестрига № ПР-Ж/282 рўйхат бўйича киртилган ва ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари экспорт-импорт варақасида кўрсатилган рўйхат асосида фаолиятини олиб бориш ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

рият фильмларимизда миллий урф-одатлар ва азалий анъаналар ўз аксини топаётти. Мана, бу кинофестивалга ҳам бизлар «Хайр, менинг азизим» деб номланган кинофильми тақдим этдик. Келинг, ҳозирдан у ҳақда баҳс юртимайлик. Кўрганлар ўз фикрларини айтар...


Шу ўринда Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг энг юқори поғонага чиқётганлиги алоҳида таъкидланди. Корей ва ўзбек киночилари ҳам «ЎзДЭУ»чилардан ўрнак олишлари лозимлигини билдиришди.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкин, қозғистонлик киночиларнинг Тошкент кинофестивалига тақдим этган «Абай» фильми катта шов-шувларга сабаб бўлди. Кечаги матбуот конференциясида ҳам худди шу фильм ҳақида кўп баҳс-мунозаралар бўлди. Биз фильмнинг постановкачи режиссёри, кинопродюссер Ардақ Амиркуловдан «Абай» фильми ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.

Ардақ АМИРКУЛОВ:
-- Мен Абай ҳақида ўзбекларга маълумот айтиб ўтирсам сал эриш тулар, ахир! Чунки сизларда ҳатто бизлардан ҳам унинг ҳаёт-фаолияти ва ижоди хусусида кўпроқ билдирганлар бор. Шунинг учун ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкин: Абай Туркистон халқи учун бирдек азиз. Бизлар кўлимиздан келгунча бу машҳур эрт ҳақида кино ишладик. Албатта, ишлаш осон кечмади. Ҳар қандай фильмнинг қувонч-азобини уни яратганлар билади. Мен мана бугун ҳам Тошкентда ёнимда елкадош бўлиб ўтирган ажойиб актёр ва бош

рассом Умироқ Шмановдан бир умр хурсандман. Қолаверса, ёш Абай родини маҳорат билан ижро этган Габедин Туракбоевга ҳам кинофестиваль қатнашчиларининг табрикларини етказаман. Энди насиб этса, қолган серияларини ҳам ишлашни бошлаяпмиз. Лекин бизни иккита муаммо қийнаётти: биринчиси, прокат масаласи. Тарқатиш қийинчилик билан амалга оширилди. Иккинчиси, томошабин муаммоси ҳамма ердаги каби бизда ҳам бор. Нима қиламиз, чекимизга катта вазифа тушган. Лекин нолайимиз. Ҳар бир фильм қандай бўлмасин ўз муҳлисини топиб олади...

Кеча куннинг иккинчи ярмида кинофестиваль иштирокчилари



Шредер номидаги республика уюмчилиги ва бодгорчилик илмий-текшириш институтига ташриф буюришди. Бу ерда ҳам уларни қарнай-сурнай садолари остида ўзбек қизлари нон-туз ва гуллар билан қарши олишди. Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Дилбар Жаҳонгирова ҳамда мазкур илмий раҳбари Маҳмуд Мирзаевлар меймонларни кулба, ўзларининг самимий дил сўзларини баён қилишди. Бир пиёла чой

устида ўзаро гурунглар, ўйин-кулгулар авжига чиқди. Таниқли санъаткорлар эса ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари ва рақслари билан қувноқ даврага файз киритишди.

Шунингдек, меймонлар Театр арбоблари уюшмасида ҳам бўлиб, бир дунё таассуротлар олиб қайтилар. Мустақил Ўзбекистоннинг театр санъати ўзлари ҳақида сўз юритилди. Бугун эса кинофестивалнинг сўнгги кунини «Салом-алик»лар, «хайр-хуш»лар билан ҳам тугамайдиган кун. Барбир ҳар бир байрамнинг интиҳоси ҳажжонли кечади. Аксарият қатнашчилар кунларнинг жуда тез ўтиб кетганидан афсус

ҳам чекиб қўядилар. Лекин юзлаб фильмларга мавзу бўладиган Тошкент кинофестивалидан олинган хотиралар бир умрга татиши аён. Бунинг сириноти афсоналар шайхига айланган Тошкентни, Ўзбекистонни ва буюк Шарқни бир кўриб кетганларгина англаб етадилар. Айтилар-ку, қуёш байриб Шарқдан чиқаверади...

Норқобил ЖАЛИЛ, Фафур ШЕРМУХАММАД, Тўлқин КАРИМОВ (суратлар)
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Севимли шоир Абдулла Орипов бундан ўн йил аввал ёзувчи Одил Ёқубовнинг 60 йиллиги муносабати билан айтган сўзида шундай деган эди: «Биз адабиёт боғига кириб, Фафур Гулом ва Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемирни улкан чинор ҳолида кўрдик. Лекин Одил Ёқубов бизнинг шундоққина кўз ўнгимизда улуғвор чинордек буй чўзиб, қад ростлади».

ИСМИГА МУНОСИБ АДИБЪ

Нақадар ҳақ гап! Бу гапни ўн йилдан кейин мен ҳам такрорлашим мумкин. Чунки Одил Ёқубов менинг ҳам шундоққина кўз олдимида, кўз ўнгимда улкан романавис сифатида шаклланди. «Тенгдошлар» киссаси билан -- адабиёт ишчи-бозларининг, «Муқаддас» киссаси билан -- ўзбек халқининг, «Улуғбек хаанаси» романи билан -- туркий халқлар, жумладан, Чингиз Айтматов ва Мустай Каримдек улуғ сўз санъаткорларининг назарига тушган ёзувчи бутун кунда бутун туркий эл суйиб «қароғим, чироғим, шоввоим, бургутим, лочиним» деса аригулик адибга айланди. У ўз ижоди билан ўзбек романчилигини жаҳонга кўз-кўз этиб турибди. Бу ҳолдан мен ҳам беҳад фахрланаман. Ёзувчининг кейинги ўттиз йилда яратган олти романи -- «Эр бошига иш тушса», «Улуғбек хаанаси», «Диёнат», «Кўзна дунё», «Оққушлар, оппоқ қушлар» ва «Адолат манзили» асарларини ўйиб, уларнинг вазиния ўзимча салмоқлаб кўрдим. Абдулла Қодирий, Мухтор Азиев, Хидир Деряев, Ойбек ва бошқа тарихий романнависларимизнинг асарлари билан солиштириб билдикки, Одил Ёқубов фақат ўзини хос -- бетакрор романчилик, хусусан, тарихий романчилик мактабини яратган ижодкорлардан биридир.

Мен унинг туркий халқлар тарихий романчилигини ривожлантиришдаги бетакрор ва улуғ хизматларини айнан нималарда кўраман? Абдулла Қодирий XIX асрнинг биринчи ярми, Мухтор Азиев XIX аср, Ойбек XV асрдаги халқ ҳаётининг кенг эпик манзараларини берган бўлса, Одил Ёқубов тарихий романчилигимизнинг телескопини «Улуғбек хаанаси» романида -- XIV асрга, «Кўзна дунё» романида эса X асрга олиб ўтди. Қолаверса, Алишер Навоий ва Абайдан кейин, бизнинг диққатимизни бутун Шарқ халқларининг фахри бўлмиш уч тарихий сиймо -- Улуғбек, Ибн Сино ва Берунийларга қаратди. Айниқса, бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, чунки, Улуғбек шўро даври тарихий романчилигида бош қаҳрамон сифатида қаламга олинган биринчи туркий ҳукмдор, дастлабки шоҳид. Айни шу ҳолнинг ўзидек қанчалик ижодий жасорат эканигини айтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ва ниҳоят, «Улуғбек хаанаси» билан «Кўзна дунё» романилари давр

ва бош қаҳрамон нугтан назаридангина эмас, ижодий услуб жиҳатидан жаҳон тарихий романчилигида сезиларли воқеадир. Бу икки асарда, «Уруш ва тинчлик» ёхуд «Абай йўли» эпопеларидаги каби босиб-вазмин эпик тасвир эмас, балки китобхоннинг бутун фикри-зикрини ўзига асир қилиб оладиган шиддатли драматизм, руҳий кечинмалар таҳлили, қаҳрамонлар руҳида рўй бераётган асов талаёнлар тад-



қиқи етакчилик қилади. Марказга қаҳрамон ва халқ ҳаётининг юза қисми, умумий манзаралари эмас, аксинча ички қатламлари, ҳал қилувчи лаҳзалари, муайян руҳий ҳолатлар кўйилади. Бутун воқеалар ана ўша руҳий ҳолатлар «фокус»ига жамланган ҳолда акс эттирилади. Айни шу услуб асарни завқ-шавқ, иштиёқ билан ўқишга қилиб, ўқувчига узоқ тарих қатригагина эмас, қаҳрамон руҳининг ич-ичига чуқур кириб бориш имконини беради.


Одил Ёқубов аввало замоннинг ёзувчисидир. У яратган олти романининг иккитасинга тарихий, тўрттаси эса, замонавий мавзудадир. Ўзбек халқи, борингики, бутун туркий халқларнинг XX асрдаги аҳвол-руҳияси ҳаққоний қаламга олинган бу романларни халқ ҳаётининг ўзига хос солномаси дейиш мумкин. Мазкур тўрт асарда -- «Диёнат»да Нормурод Шомуродов кўрган мардикорликдан то «Адолат манзили»да Суюн Бургут дучор этилган «ўзбек иши» деб аталувчи таври лаънатта қадар нақд ярим аср мобайнида халқнинг бошига тушган кўргинликлар, халқ тақдирдаги энг асосий ва ҳал қилувчи лаҳзалар атрофида қаламга олинган.

Мен адибнинг қиссанавис, ҳикоянавис, драматург, публицист, жамоат арбоби каби серқирра фаолиятини эмас, романнавис сифатидаги кифаси хусусида айрим шахсий кузатишларимни баён қилдим, ҳолос. Қуръони Карим ноил бўлган араб тилидаги «Одил» ва «Адолат» сўзларининг ўзга -- «адл», яъни, буй-баста тик, қадди расо, алқома, валломат, ҳуллас, қадим туркий сўзлар билан айтганда, «эр, эркак» эран» демакдир. Аншуирвони одил, «Куч -- адолатгадур» деган соҳибқирдон Темур, Мирзо Улуғбек, бошқа улуғ ҳукмдорлар, алломалар-у, ёзувчилар ҳам, энг олис тарихлардаги энг улуғ аждоқларимиздан бири -- алп Эр Тунга -- Афросиёб ҳам ер эмас, осмон эмас, Кир эмас, Эр бўлганлар. Демокриманқи, Одил ҳам ҳаммиша ўз исмига муносиб бўлаверсин!

Тўлепберген ҚАЙПБЕРГЕНОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ПОЙТАҲТИМИЗ ТЕННИС МАЛИКАЛАРИНИ КЎТАЯПТИ



Яна бир неча кундан сўнг пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида профессионал аёл теннисчилар ўртасида Тошкент халқаро челленжер турнири бошланади. WTA (Аёллар теннис ассоциацияси) паноҳида ўтказиладиган иккинчи халқаро турнир ўтган йилгисидан бирмунча фарқ қилади.

Бу фарқни биз аввало иккинчи халқаро турнир қатнашчиларининг ўтган йилгига нисбатан юқориқоқ рейтинг очкосига эга эканлигида, яъни кучлироқ теннисчилар Тошкентга келиш истайгани билдиришганда кўраимиз. Хусусан, ўтган йилги турнирнинг «биринчи ракетка соҳибаси» ҳисобланган теннисчи россиялик Елена Татаркова WTA рейтинг рўйхатида 166-ўринни эгаллаб турган эди. Бу йилги турнирга энг кучли теннисчи сифатида айна кунда WTA рейтинг рўйхатида 106-ўринни эгаллаб турган германиялик теннисчи Елена Вагнернинг келиши кутилмоқда. Шунингдек, яна саккиз нафар теннисчининг рейтинг бўйича ўрни ўтган йилги

биринчи рақам теннисчиникидан юқориқидир. Айни дамда 166-ўринда бораётган нидерландиялик Сса Ноорландер Тошкент иккинчи халқаро турнири қатнашчилари рўйхатидан тўққизинчи кучли теннисчи сифатида ўрин олди. Иккинчи турнирда кучлироқ теннисчилар қатнашиш истайгани билдиришганлиги сабаби унинг муқофот жамғармаси 50 минг (ўтган йилги 25 минг эди) долларга тенг бўлганлигидир. Қолаверса, жаҳоннинг қўлаб мамлакатлари теннисчилари Тошкентга келишни ихтиёр этишдики, бу ҳам мамлакатимизда ўтказиладиган турнирларга жаҳон теннисчиларининг қизиқиши ортаётганлигидан далолат беради. Хусусан, ўтган йилги челленжерда дунёнинг 18 та мамлакатидан вакиллар қатнашган бўлса, бу сафар 27 та мамлакат теннисчилари юртимизга келади. Улар орасида АКШ, Канада, Аргентина, Мексика, Парагвай, Португалия, Испания, Италия, Польша, Швеция, Греция, Россия, Корея, Исроил, Австралия каби мамлакат вакиллари борлигини кўраимизки, Тошкент турнири ҳудудий жиҳатдан Ер юзининг барча бурчидан вакиллари ўзига жамлайди.

Иккинчи халқаро турнирнинг ўйинлар савияси ҳам юқори даражада бўлиши кутуляпти. Чунки ўтган йили бахслар грунт кортларда ўтказилган бўлса, бу йил «Динамо» теннис мажмуи-

нинг марказий кортлари тўпнинг тезлигини сезиларли тарзда оширадиган сунъий қоплама билан қопланди. Жаҳоннинг энг йирик турнирлари ҳам айнан шундай кортларда ўтказилади. Бу гапни турнир майдонига ўтган йили ҳам юртимизда бўлган олти нафар спортчининг чиқиши кутилмоқда. Жумладан, биринчи халқаро турнирнинг иккинчи муқофотини қўлга киритган германиялик Катрин Килш яна Тошкентга келиш истайгани билдириди. Катрин ўтган йили бахсларни саралаш босқичида бошлаган ва асосий сетларнинг финалигача борган эди. Ушбу муваффақиятдан сўнг Килш яна бир қатор турнирларда яхши натижаларга эришди ва 1007-ўриндан 321-ўрингача кўтарилиди. Шундай бўлса-да, Катрин Килш Тошкент иккинчи халқаро турнирининг асосий сет бахсларида тўғридан-тўғри қатнашадиган 25 нафар теннисчи рўйхатидан ўрин ололмади. Чунки 25-қатнашчининг WTA рейтинг рўйхатидаги ўрни Катринникидан 109 поғона юқориқидир. Килш бу сафар ҳам бахсларни саралаш босқичидан бошлайди. Шундан ҳам билса

бўладики, бу йилги челленжер турнирининг даражаси, жаҳон миқёсидаги ўрни янада юқориқидир. Юртимиз теннисчиларининг WTA рейтинг бўйича эгаллаб турган ўрни, албатта, асосий сет бахсларида қатнашиш у ёқда туриш, ҳатто саралаш босқич бахсларида ҳам қатнаша олиш ҳуқуқини бермайди. Бироқ WTA турнирлари низоми, тартиб-қоидалари бўйича мамлакатимизнинг камида икки нафар теннисчисига майдон эгаси ёки ўзларини йирик турнирда синаб кўриши мақсадида асосий сет бахсларида тўғридан-тўғри қатнашишга имкон берилади. Қолган теннисчиларимиз эса саралаш босқич қатнашчилари сифтини тўлдиришади. Асосий сет бахсларида тўғридан-тўғри қатнашишга номзод теннисчиларимиз Ирода Улуганова, Наталья Никитина, Ирина Ярикова ва Лилия Биктяковалардир. Уларнинг барчаси ёш, ҳали 20 ёшдан ошмаганлигини инобатга олсак, албатта, Тошкент турнири теннисчиларимиз учун жуда катта тажриба мактаби вазифини ўтайди. Қолаверса, бу теннисчиларимиз норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган Федерация кубоги бахсларининг Осие-Океания минтақасида муваффақиятли қатнашиб, биринчи гуруҳга йўлангани нақд қилишиб, ўзларни кўрсатишди. Хиндистон, Таиланд, Тайвань, Филиппин терма жамоалари ўзбекистонлик теннисчи қизлардан мағлубиятга учради. Профессонал аёл теннисчилар ўртасидаги Тошкент иккинчи халқаро челленжер турнири 2-8 июнь кунлари ўтказилади. **Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Хўж ва қонуничилик 36-37-85;
Иқтисодий 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтти тартиби № 0001
Буюртма Г — 0298, 40,290 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Қозғоқ бичими А—2

Газета ИВМ компьютерида терилди ва оператор Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» наприйт-мағбаа конерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга тошириш вақти—21.00 Босишга тоширилади — 22.20 1 2 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир—Н. Топев.
Навбатчи — Х. Абдурахмонов.
Мусаҳҳаж — Ш. Режапов.